

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САЛИХОВА САОДАТХОН МУХАМАДХАНОВНА**

**ДАУН СИНДРОМЛИ БОЛАЛАРНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК,  
НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ВА ЦИТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Салихова Саодатхон Мухамадхановна**

Даун синдромли болаларнинг клиник-неврологик, нейрофизиологик ва цитогенетик хусусиятлари ..... 3

**Салихова Саодатхон Мухамадхановна**

Клинико-неврологические, нейрофизиологические и цитогенетические особенности детей с синдромом Дауна ..... 19

**Salikhova Saodatkhon Mukhamadkhanovna**

Clinical, neurological, neurophysiological and cytogenetic features of children with Down syndrome ..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 39

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САЛИХОВА САОДАТХОН МУХАМАДХАНОВНА**

**ДАУН СИНДРОМЛИ БОЛАЛАРНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК,  
НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ВА ЦИТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1336 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажаришган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маджидова Якутхон Набиевна,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рахимбаева Гулнора Саттаровна,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Джурабекова Азиза Тахировна,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**


**Бухоро давлат тиббиёт институти**


Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузурдаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» декабрь кuni соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44; e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz)).


Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (105 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44.

Диссертация автореферати 2021 йил «7» декабрь кuni таркатилди.  
(2021 йил «      »        даги        рақамли реестр баённомаси).



  
**Х.А.Акилов,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

  
**Н.Н.Убайдуллаева,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

  
**Б.Г.Гафуров,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда Даун синдромли болаларнинг туғилиши бутун жамият учун тиббий, ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммо сифатида катта аҳамият касб этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...Даун синдромининг учраш частотаси тахминан 700–800 нафар янги туғилган чақалоқлардан 1 нафарини ташкил қилади ва бу кўрсаткич турли мамлакатларда, иқлим зоналарида ва ижтимоий қатламларда бир хил. Боланинг Даун синдроми билан туғилишининг асосий омили онанинг ёши ҳисобланади...»<sup>1</sup>. Даун синдромли болалар доимий равишда реабилитация чораларига, тиббий, ижтимоий, психологик ҳамда таълимий ёрдамга муҳтож бўлиб, уларнинг клиник-неврологик, инструментал ва цитогенетик хусусиятларини ташхислаш орқали самарали даволаш тартибини такомиллаштириш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда Даун синдромли болаларда неврологик ўзгаришларни эрта ташхислаш ва коррекция қилиш бўйича тадбирларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, Даун синдромли болаларда турли оғирлик даражасидаги ақлий заифлик, когнитив ўзгаришларни баҳолаш; вегетатив бузилишлар, хатти-ҳаракат, нутқ, кўриш, эшитиш муаммоларини эрта аниқлаш; даво мезонларини оптималлаштириш; ижтимоий мослашуви ва ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Даун синдромли болаларда клиник, неврологик, нейрофизиологик ва цитогенетик хусусиятларни аниқлаш, улардаги функционал ўзгаришларни эрта реабилитация қилиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш хизматини такомиллаштириш, жумладан, ҳомиладорлик даврида она организмида юзага келадиган турли ўткир ва сурункали касалликлар, уларнинг асоратлари натижасида ривожланадиган ирсий касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «... ирсий, генетик, бирламчи иммунитет танқислиги, туғма ва орттирилган касалликларга чалинган болаларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва реабилитация қилиш тизимини, шу жумладан, туғма, сурункали касалликларга чалинган ва ногиронлиги бўлган болаларни реабилитация қилиш марказларини ташкил этиш орқали такомиллаштириш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда Даун синдромли болаларнинг клиник-неврологик, нейрофизиологик ва цитогенетик

---

<sup>1</sup> World Health Organization. Down syndrome, 2018. <https://www.healthline.com/health/down-syndrome/down-syndrome-facts#Demographics>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

хусусиятларини кўллаш, оптимал даволаш тактикасини танлаш орқали ирсий касалликларни камайтириш самарадорлигини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4440-сонли «Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Даун синдроми энг кенг тарқалган хромосома касалликларидан биридир (Encyclopedia Britannica, 2021). Ушбу синдром билан ўртача умр кўриш давомийлиги сўнгги йилларда (1983 йилда 25 ёшни, 2020 йилда 60 ёшни ташкил этган) сезиларли даражада ошганлиги баҳоланган (Jason F. Woodward, Sophia Jan, et al., 2020). Даун синдроми болалар орасида ногиронликка олиб келадиган кенг тарқалган генетик аномалиялардан бири бўлиб, 35 ёшдан ошган аёллар ва ҳомиладор аёлларнинг дори-дармонларни шифокор назоратисиз қабул қилиши юқори хавф омилларидан бири эканлиги аниқланган. 20–30 ёшдаги аёллар орасида туғруқ сони кўп бўлганлиги сабабли, Даун синдромли болалар ушбу контингентдаги аёллардан кўп туғилади. Отанинг ёши, айниқса 42 ёшдан ошган бўлса, Даун синдромли болаларнинг туғилишига сабаб бўлиши исботланган (Dan L. Longo, et al., 2019). Даун синдромли болаларда енгил (IQ: 50–69) ёки ўрта (IQ: 35–50), баъзи ҳолларда оғир (IQ: 20–35) даражадаги аклий заифлик кузатилади. Когнитив ривожланиш ушбу синдромли болаларда кўп ҳолатларда ортада қолиши аниқланган (Baburamani A.A., Patkee P.A., et al., 2019). Даун синдромли болаларни тўлиқ даволаб бўлмайдиган, аммо агар бу болалар эрта аралашув дастури бўйича шуғуллантирилса ва мультидисциплинар тиббий, ижтимоий, психологик ва педагогик ёрдам олиш имконига эга бўлсалар, ижтимоий мослашув ва жамиятга қўшилиш

имконияти яхшиланиши исботланган. Даун синдромли болалар ўқийди, уларнинг ақлий заифлик даражаси чуқур бузилишдан енгил ўзгаришларгача бўлиши аниқланган (Бабаян В.В., 2013; Семенова Н.А., Чубарова А.И., 2012).

Ўзбекистонда болаларда учрайдиган рухий асаб ўзгаришларни, хромосома касалликларини эрта ташхислаш, даволаш тизимини оптималлаштириш борасида олимлар томонидан бир қатор тадқиқотлар бажарилган. Даун синдромининг фенотипик белгилари аниқланганда, хромосома касаллигининг мажбурий цитогенетик тасдиғи зарурлиги баҳоланган (Шарипова М.К., Пак А.А., Босимов М.Ш., 2015).

Даун синдромли болаларда клиник-неврологик, нейрофизиологик ва цитогенетик ўзгаришларни эрта ташхислаш ва реабилитация чора-тадбирларини оптималлаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Даун синдромли болаларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш, ақлий заифлик даражасини камайтириш, шу билан бирга ёш авлоднинг ўз-ўзига фаол хизмат қилиш, тўлақонли ҳаёт сифатини ошириш ва кўп тармоқли дифференциалланган даволаш чораларини такомиллаштириш муҳим амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Асаб касалликларида қон-томир, яллиғланиш, дегенератив ва наслий нерв-мушак касалликларининг патогенетик хусусиятлари» мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган (2018–2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** Даун синдромли болаларда клиник, неврологик, нейрофизиологик ва цитогенетик хусусиятларни аниқлаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Даун синдромли болаларнинг клиник ва неврологик хусусиятларини цитогенетик профилга (трисомия, мозаицизм, транслокация) кўра баҳолаш;

Даун синдромли болаларнинг цитогенетик профилига кўра когнитив фаолият ва интеллектуал ривожланиш даражаси хусусиятини ва коморбид фоннинг таъсирини аниқлаш;

Даун синдромли болаларда когнитив фаолият заифлиги ва интеллектуал ривожланиш даражасига кўра нейрофизиологик хусусиятларни баҳолаш;

Даун синдромли болаларнинг интеллектуал ривожланиш даражасини Стэнфорд-Бине ва болалар учун Векслер шкалалари (WPPSI) ёрдамида баҳолаш ва маълумотларни компьютер усуллари асосида таҳлил қилиш;

Даун синдромли болаларни номедикаментоз («Forbrain» ва «Numicon» услублари) даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2019–2021 йиллар давомида Республика «Она ва бола скрининг маркази»да рўйхатга олинган, «Умничка» нодавлат таълим муассасасида тарбияланаётган, «РеаЦентр» хусусий клиникасида ҳамда Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббий

марказида даволанган 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган 120 нафар Даун синдромли болалар, назорат гуруҳига эса 20 нафар соғлом болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган Даун синдромли болалар интеллектуал ва когнитив ривожланишининг клиник кўрсаткичлари ташкил қилди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида клиник маълумотлар, анамнез, неврологик текширув, нейрофизиологик текширувлар (ЭЭГ), цитогенетик ва статистик тадқиқотлар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Даун синдромли болаларда цитогенетик профил вариантлари (трисомия, транслокация ва мозаицизм) билан бевосита боғлиқ бўлган когнитив фаолият заифлиги ва интеллектуал ривожланиш даражаси коморбид фонга узвий боғлиқлиги аниқланган;

транслокация ва мозаицизм шаклларига нисбатан трисомия шаклида клиник-неврологик ўзгаришлар оғир даражада кечиши аниқланган;

Даун синдромли болаларнинг когнитив фаолиятини баҳолаш мақсадида Стэнфорд-Бине ва Векслер (WPPSI-IV) шкалаларининг клиник самарадорлиги аниқланган;

Даун синдромли болаларни базис даволаш тактикаси номедикаментоз («Forbrain» ва «Numicon» дастурлари) давони қўллаш йўли билан такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

болаларнинг когнитив фаолиятини, ижтимоий мослашувнинг ифодаланганлигини баҳолаш ва коррекция қилиш мақсадида яратилган дастурлар ёрдамида Даун синдромли болаларнинг интеллектуал ривожланишдан орқада қолиш даражаси аниқланган;

Даун синдромли болаларнинг когнитив ва интеллектуал ривожланишини баҳолаш ташхисот мезонлари ишлаб чиқилган;

«Numicon» ўқув дастури Даун синдромли болаларда қўлларнинг нозик моторикасини ривожлантириш, «Forbrain» усули нутқни равланштириш ва сўз бойлигини ошириш ҳамда клиник, неврологик прогнозни яхшилаш учун мослаштирилган даволаш терапияси ва реабилитация чора-тадбирлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, бир-бирини тўлдирувчи клиник, неврологик, нейрофизиологик, цитогенетик ва статистик усуллар қўлланилганлиги, текширувдан ўтказилган беморлар сонининг етарлилиги, когнитив ва интеллектуал ҳолат ташхисотини такомиллаштириш учун статистик таҳлил усулларига асосланганлиги, шунингдек, улар халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, берилган хулосалар ва олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Даун синдромли болалар реабилитациясига эрта мультидисциплинар ёндашув, клиник, неврологик ташхисот ва даво чораларини ишлаб чиқиш, ушбу гуруҳдаги болаларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳаёт сифатини яхшилаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлар асосида Даун синдромли болаларнинг когнитив ва интеллектуал ҳолатини эрта баҳолаш, уларнинг клиник-динамик, ижтимоий-психологик ва когнитив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал номедикаментоз даволаш режаси ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Даун синдромли болаларда клиник-неврологик, нейрофизиологик ва цитогенетик ўзгаришларини эрта ташхислаш ва коррекция қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Даун синдромли болаларда клиник-неврологик ўзгаришларни эрта ташхислаш ва когнитив фаолиятни баҳолашни оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Даун синдромли болаларнинг когнитив доирасини баҳолаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 июндаги 8н-з/201-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада келтирилган неврологик ўзгаришлар инвазив бўлмаган функционал текширув усулларида олинган маълумотлар бўйича ақлий ва когнитив доиранинг заифлик даражасини аниқлаш имконини берган;

Даун синдромли болаларда когнитив фаолиятни ва нутқни ривожлантиришда замонавий усуллар ёрдамида реабилитация қилиш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Даун синдромли болаларни комплекс даволашда когнитив доирани номедикаментоз даволаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 июндаги 8н-з/201-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада келтирилган педогогик дастур Даун синдромли болалар ижтимоий мослашувини ва турмуш сифатини яхшилаш имконини берган.

Даун синдромли болаларнинг клиник-неврологик, нейрофизиологик ва цитогенетик хусусиятларига оид илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникасига, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказига, Бухоро ва Фарғона вилоятларидаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 ноябрдаги 08-09/18070-сонли маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши Даун синдромли болалар когнитив доирасини ижобий ўзгартириш, неврологик ўзгаришлар ривожланишини эрта бартараф этиш, боланинг ижтимоий ҳаётга мослашувини яхшилаш ва ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертацияда баён этилган асосий ҳолатлар 5 та, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган. Улардан 2 та услубий тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 113 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Даун синдромли болаларнинг клиник-неврологик ва цитогенетик хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида адабиётларнинг аналитик шарҳи келтирилган бўлиб, маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар натижаларининг батафсил таҳлили келтирилган. Шунингдек, Даун синдромли болалар туғилиш эҳтимоллиги назариялари, ЖССТнинг ва етакчи халқаро ташкилотларнинг амалдаги стандартлари, Даун синдромининг турли шакллари, клиник кечиши ва унинг оқибатлари ҳақидаги ҳозирги тушунчалари таҳлил қилинган. Ушбу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Материалларнинг клиник тавсифлари ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини топишга имкон берувчи методологик ёндашувлар ва усуллар келтирилган. 2019–2021 йиллар давомида Республика «Она ва бола скрининг маркази»да врач-генетик назоратида турган, «Умничка» нодавлат таълим муассасасида тарбияланаётган, Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббий марказида, «РеаЦентр» хусусий клиникаларида даволанган 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган 120 нафар Даун синдромли болаларнинг ретроспектив ва проспектив таҳлили ўтказилган.

Цитогенетик шаклига кўра, барча Даун синдромли болалар 2 гуруҳга бўлинди:

Асосий гуруҳ – трисомия 21 шакли (n=88);

Таққослаш гуруҳи – мозаицизм ва транслокация шакллари (n=32).

Даун синдромининг шаклига кўра болаларнинг клиник ва неврологик хусусиятлари баҳоланди.

Ушбу болаларда когнитив ва интеллектуал фаолиятни баҳолаш мақсадида 3–6 ёшгача бўлган Даун синдромли болалар учун Стэнфорд-Бине шкаласи қўлланилди (n=67), 7–12 ёшгача бўлган болалар учун Векслер – WPPSI шкаласи қўлланилди (n=53).

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг консултантлик поликлиникасида рўйхатдан ўтган 20 нафар психо-неврологик соғлом болалардан иборат назорат гуруҳи ҳам тузилди.

Уларнинг ҳар бирига тегишли мутахассислар (невропатолог, генетик, психиатр, эндокринолог ва бошқалар)ни жалб қилган ҳолда тизим ва аъзолар бўйича умумий ва махсус текширишлар олиб борилди. Даун синдромли болаларда клиник, неврологик, нейрофизиологик (ЭЭГ) ва цитогенетик текширув усуллари ўтказилди ва динамикаси кузатилди.

Иккала гуруҳдаги болаларнинг ёши 3 дан 12 ёшгача эди. Асосий гуруҳдаги ўртача ёш  $6,2 \pm 2,8$  ни ва назорат гуруҳида эса  $6,9 \pm 2,4$  ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ). Кузатув давомийлиги ўртача 2,5 йилни ташкил қилди.

Асосий гуруҳда 45 нафар қиз бола ва 75 нафар ўғил бола назорат остида бўлди. Жинсига қараб ўғил болаларнинг (62,5%) қизларга нисбатан устунлиги (37,5%) аниқланди (1,7:1). Шулардан, 97 (80,8%) нафар болалар муддатига етиб, 23 нафар (19,2%) муддатидан аввал  $35,2 \pm 1,5$  ҳафтада туғилган.

Асосий гуруҳдаги барча болалар Республика «Она ва бола скрининг маркази»да рўйхатга олинган. Цитогенетик усул қўлланилиб, Даун синдроми ташхиси тасдиқланган. Кариотип натижаларига кўра, трисомия 21 шакли 88 нафар болада, мозаицизм 11 нафар болада, транслокация шакли 21 нафар болада аниқланди.

*Электроэнцефалография (ЭЭГ)* – «МВН» илмий тиббиёт фирмасининг (2003 йил ишлаб чиқарилган) спектрал харитаси «Нейрокартограф-1-МВН» 16 каналли электроэнцефалограф ёрдамида ёзиш амалга оширилди.

*Боланинг мотор ривожланишини баҳолаш* учун тадқиқотда J. Can, R. Shepherd (1994) томонидан таклиф этилган «Motor assessment scale» – моторикани баҳолаш шкаласи ҳамда D. Wade (1992) таклиф этган «Nine-hole peg test» – тўққиз тешикли қозик тести ишлатилди.

Олинган маълумотларга статистик функциялар кутубхонаси, EXCEL тўпламида ишлаб чиқилган дастурлар ёрдамида Pentium-4 шахсий компютерида статистик ишлов берилди. Ўртача қийматлардаги фарқлар  $p < 0,05$  муҳимлик даражасида ишонарли ҳисобланган.

Диссертациянинг «**Даун синдромли болаларнинг клиник-неврологик ва нейрофизиологик текшириш усуллари натижалари**» деб номланган учинчи бобида ўз тадқиқот натижаларимиз таҳлил қилинди. Анамнестик маълумотларга кўра, пробанд туғилганда 36 (30%) нафар аёл 19 ёшдан 25 ёшгача, 52 (43,3%) нафар аёл 26 ёшдан 35 ёшгача, 32 (26,7%) нафар аёл 36 ёшдан 49 ёшгача бўлган. Пробанд туғилганда 37 (40,4%) нафар отанинг ёши

эса 40 ва ундан катта ёшда бўлган. Асосий гуруҳдаги 95% болаларнинг ота-оналари қариндош бўлмаган, ирсиятида хромосома касалликлари кузатилмаган. Шундай қилиб, бизнинг кузатувимиз остида бўлган барча Даун синдромли болалар, асосан, 20–30 ёшли аёллардан, 30–45 ёшли эркаклардан туғилган.

Барча болаларга сўровномалар тўлдирилди, ота-оналар билан суҳбатлар ўтказилди ҳамда оналардаги антенатал давр анамнезлари ўрганилди.

### 1-жадвал

#### Асосий гуруҳдаги оналарда антенатал давр хусусиятлари ва унинг ўзаро қиёсий ташхисоти

Хавф омиллари	Асосий гуруҳ, n=88		Таққослаш гуруҳи, n=32	
	абс.	%	абс.	%
Ҳомиланинг тушиш хавфи	40	45,5	8	15,6*
ЎРВИ	76	86,4	13	40,6*
Анемия				
1-даража	52	59,1	25	78,1
2-даража	25	28,4	4	12,5*
3-даража	16	18,2	1	3,1**
Гестозлар				
1-ярмида	28	31,8	2	6,2*
2-ярмида	36	40,9	1	3,1**
Буйрак касалликлари	20	22,7	1	3,1
Қалқонсимон без касалликлари	48	54,5	8	25*
Қоғоноқ сувларининг хиралиги	40	45,4	3	9,4*
Ҳомиланинг сурункали гипоксияси	60	68,1	12	37,5*
Презклампсия	80	90,9	13	40,6*
Қариндошлар ўртасидаги никоҳ	8	9,1	4	12,5

\* – перинатал хавф омилларнинг гуруҳлар ўртасидаги ишончлилиги  $p < 0,05$ ,

\*\*  $p < 0,01$

Шуни таъкидлаш жоизки, Даун синдромли болаларнинг оналаридан йиғилган анамнезларга асосан, 91% (асосий гуруҳ) ва 41% ҳолларда (таққослаш гуруҳи) ҳомиладорлик вақтида ўрта оғирлик ва оғир даражадаги презклампсия белгилари кузатилган.

Перинатал хавф омиллари бўйича олинган маълумотларга кўра, ЎРВИ (86,4 ва 40,6%), турли даражадаги анемия (59% ва 78%), қалқонсимон без касалликлари (55% ва 25%), ҳомиланинг сурункали гипоксияси (68% ва 38%)

ва ҳомиланинг эрта даврларда тушиш хавфи (46% ҳамда 16%) оналарнинг асосий шикоятлари бўлган.

Ретроспектив маълумотларга кўра, асосий гуруҳдаги 32 нафар болада аудиометрия текшируви ўтказилган. Шулардан 4 нафар болада нейсенсор карлик (3 нафар болада туғма, 1 нафар болада сурункали экссудатив отит асорати), 23 нафарида кондуктив типдаги эшитмаслик аниқланган. 5 нафар болада эса эшитиш қобилияти сақланганлиги аниқланган.

Тадқиқотимиз давомида Даун синдромли болаларнинг антропометрик маълумотлари ўрганилди, бунга кўра, ушбу болаларда бўй узунлигининг назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан пастлиги, турли даражадаги семизлик ва қўл-оёқларнинг калталиги аниқланди.

45 нафар болада қалқонсимон без фаолиятини ўрганиш мақсадида ТТГ, Т<sub>3</sub>, Т<sub>4</sub> гормонлари текширилди, шулардан, патологиялар 31 (69%) нафар болада аниқланди.

Даун синдромли болаларнинг ҳаракат доираси фаолияти ривожланишининг кечикиши, мустақил ҳаракатлар, эмаклаш ва юриш, қўлларнинг нозик ҳаракатлари каби мотор кўникмалар назорат гуруҳидаги болалар кўрсаткичларидан кескин фарқ қилди. Асосий гуруҳнинг 83 нафарида ва қиёсий гуруҳнинг 25 нафарида (94,3% ва 78,1% ҳолларда) ҳаракат доираси текширилган вақтда мушаклар гипотонияси кузатилди, натижада бўғимлар ҳаракати ошди (гипермобиллик).



**1-расм. Даун синдромли болаларнинг объектив неврологик текширув маълумотлари**

Статик ҳамда локомотор синамаларни қийинчилик билан бажаришди, бармоқлар интенцияси аниқланди ва Ромберг ҳолатида (91% ва 78%) болалар чайқалдилар (1-расм).

MAS шкаласи бўйича нозик моторли кўникмаларни ўрганиш мақсадида изланишга киритилган 7 ёшдан ошган барча болаларда тадқиқот ўтказилди. Таъкидлаш жозки, мозаик ва транслокацион шаклли болалар гуруҳларидаги

баллар ўртача 5,5 баллни ташкил этган бўлса, трисомия 21 шаклидаги болалар гуруҳида 4 баллни ташкил этди (2-жадвал).

Бундан ташқари, ушбу болаларда ўтказилган 9 тешикли қозик тести натижаларига кўра, шуни айтишимиз мумкинки, трисомия 21 шаклидаги болалар гуруҳида нозик моторли кўникмалар мозаик ва транлокация шаклидаги болалар гуруҳи билан солиштирилганда кўпроқ ортда қолган. Шундай қилиб, Даун синдромли болаларда соғлом болаларга нисбатан майда дифференциацияланган моторли ҳаракатларнинг ривожланмаганлиги аниқланди, бу трисомия 21 шаклидаги болалар гуруҳида яққол намоён бўлди.

Даун синдромли болаларда юрак-қон томир тизимини ўрганиш мақсадида (ретроспектив маълумотларга кўра) 78 нафар болага ЭхоКГ тадқиқот усули ўтказилган ва шулардан 40 нафаридан (51,3%) ТЮН (туғма юрак нуқсони) аниқланган. Бўлмачалараро юрак нуқсони 17 (42,5%) нафар болада қайд этилган, қоринчалараро нуқсон 7 нафар (17,5%) болада, хамроҳ, яъни бўлмачалараро, қоринчалараро ва ўпка гипертензияси нуқсони 5 нафар (12,5%) болада, Фалло тетрадаси нуқсони 1 нафар (2,5%) болада аниқланган. Шуни таъкидлаш жоизки, ТЮНнинг мавжудлиги Даун синдромли болаларнинг психомотор ривожланишига салбий таъсир кўрсатган.

## 2-жадвал

### Даун синдромли болаларда кўллارнинг нозик ҳаракатларини баҳолаш натижалари

№	Тест ва шкала	Асосий гуруҳ (n=23)	Қиёсий гуруҳ (n=10)	Назорат гуруҳи (n=9)
1.	MAS (бал)	4 балл	5,5 балл	6 балл
2.	9 тешикли қозик (сек) доминант ўнг кўл	ўғил болалар – 60 сек. қиз болалар – 60 сек.	ўғил болалар – 45 сек. қиз болалар – 40 сек.	ўғил болалар – 29 сек. қиз болалар – 27 сек.

ЭЭГ текшируви 72 нафар Даун синдромли болаларда ўтказилди, шулардан 57 (79,2%) нафар болада патологик ўзгаришлар аниқланди (Людерс, 2000 й.). Генераллашган тоник-клоник тутқаноқ хуружлари 9 (15,8%) нафар болада кузатилди. Даун синдромининг трисомия ва транслокация шаклидаги болаларда асосан альфа ритмнинг тўлиқ ривожланмаганлиги, амплитудаларнинг пастлиги, тета ва дельта ритмларнинг устунлиги қайд этилди ( $p < 0,05$ ). Альфа-фаоллик индекси  $< 25\%$ , тета ва дельта кўрсаткичлар индекси  $> 30-45\%$  ни кўрсатди, ўткир, спайк патологик тўлқинлар кузатилди. Шуни таъкидлаш жоизки, мозаицизм шаклидаги болаларда тутқаноқ белгилари ЭЭГ текширувида аниқланмади.

Диссертациянинг «Даун синдромли болаларнинг цитогенетик профилли. Кариотип натижасига кўра нейрокогнитив хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида Даун синдромли болаларнинг

нейрокогнитив фаолияти ушбу синдромнинг шаклига кўра баҳоланган. Бунга кўра, текширилган асосий гуруҳдаги болаларда интеллектуал ривожланиш кечикишининг белгилари борлигини ҳисобга олиб, 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган барча Даун синдромли болаларга Стэнфорд-Бине шкаласи, 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларга эса болалар учун мослаштирилган Векслер шкаласи (Wechsler мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болалар интеллектуал фаолияти шкаласи) қўлланилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Даун синдромли болаларда когнитив фаолиятнинг кўрсаткичлари

Шкалалар	Даун синдромининг шакллари			Стюдент мезони-р		
	Трисомия (1)	Транслокация (2)	Мозаицизм (3)	1 ва 2	1 ва 3	2 ва 3
Стэнфорд-Бине (балл)	34,98±9,35	36,75±9,85	42,22±6,43	0,5	0,027	0,15
Векслер (балл)	36,38±11,28	50,14±10,57	58,00±7,94	0,018	0,009	0,28


Стэнфорд-Бине шкаласи бўйича Даун синдромли болаларда когнитив фаолиятнинг максимал балл кўрсаткичи мозаицизм шакли гуруҳига мансуб болаларда кузатилди ва 42,22±6,43 ни ташкил қилди. Энг паст кўрсаткич эса трисомия гуруҳига кирувчи болаларда қайд қилиниб, 34,98±9,35 балл аниқланди. Бу икки гуруҳ орасида балл кўрсаткичи солиштирилганда, статистик тафовут кузатилди ( $p=0,027$ ). Балл кўрсаткичи бўйича оралиқ ҳолат транслокацион хромосома мутацияли болаларда аниқланиб, 36,75±9,85 балл йиғиндисига эга бўлишди ва бошқа гуруҳларга солиштирилганда, статистик тафовут аниқланмади ( $p=0,5$  ва  $p=0,15$ ).

Болалар учун мослаштирилган Векслер шкаласи бўйича учала гуруҳ вакиллари когнитив фаолияти баҳоланганида, мос равишда 36,38±11,28; 50,14± 10,57 ва 58,00±7,94 балларни ташкил қилди. Бу шкала бўйича ҳам минимал балл йиғиндиси трисомия гуруҳига кирувчи болаларда кузатилган ҳамда транслокация ва мозаицизм шаклли гуруҳларга нисбатан мос равишда статистик тафовут аниқланган ( $p=0,018$  ва  $p=0,009$ ). Транслокация ва мозаицизм гуруҳлари кўрсаткичлари орасида статистик яққоллик қайд қилинмади ( $p=0,28$ ).

Юқоридаги тадқиқотлар асосида Даун синдромли болаларнинг когнитив ва интеллектуал ривожланиши алгоритм диагностикаси ишлаб чиқилди (2-расм).

Диссертациянинг «**Даун синдромли болалар реабилитациясининг замонавий ёндашувлари**» деб номланган бешинчи бобида Даун синдромли болаларга қўлланилган қўлларнинг нозик моторикасини ривожлантириш учун «Numicon» ҳамда нутқни яхшилаш учун «Forbrain» услублари

натижалари келтирилган. Ушбу бобнинг асосий мақсади Даун синдромли болаларда медикаментоз ва номедикаментоз терапия ёрдамида психомотор ривожланиш, когнитив ва интеллектуал фаолиятни яхшилаш эди.



**2-расм. Даун синдромли болаларнинг когнитив ва интеллектуал ривожланиши алгоритм диагностикаси**

Кузатилган барча Даун синдромли болалар физиотерапия, машқлар терапияси ва массаж муолажалари билан биргаликда стандарт медикаментоз даво-чораларини қабул қилган. Медикаментоз даволашда ноотропик дорилар, метаболизмга таъсир қилувчи препаратлар, витамин-минерал комплекс, иммун тизимни рағбатлантирувчи ҳамда тор мутахассислар кўрсатган симптоматик даво олганлар.

Даун синдромли болалар даво муолажалари усуллари бўйича 2 гуруҳга бўлинган: асосий гуруҳ – «Numicon» ва «Forbrain» замонавий услубларидан фойдаланган (n=29); таққослаш гуруҳи – фақат стандарт даво муолажалари билан чекланган Даун синдромли болалар (n=20).



Даун синдромли болаларни анъанавий медикаментоз ва ноанъанавий номедикаментоз усуллар ёрдамида комплекс даволаш – «Forbrain» машғулотлари «Numicon» ўқув дастуридан фойдаланиш нозик моторли кўникмаларни яхшилашга ёрдам берди ( $30,7 \pm 10,32\%$  га), сўз бойлиги ошиши билан когнитив ва интеллектуал фаолиятлар ривожланишига катта ҳисса қўшади. Ушбу болалар қийинчиликсиз рангларни, геометрик шаклларни, сонларни ажрата олдилар, ўзига нисбатан ишонч ошди.

#### 4-жадвал

### «Numicon» усули билан даволаш вақтида Даун синдромли болаларда шкалалар бўйича когнитив кўрсаткичлар динамикаси

Даун синдроми шакллари	Даволашдан олдин	Даволашдан сўнг	Динамика %
<b>Стэнфорд-Бине шкаласи бўйича</b>			
Трисомия	34,98±9,35	40,73±7,00*	16,4
Транслокация	36,75±9,85	46,45±12,45	26,4
Мозаицизм	42,22±6,43	54,67±1,15*	29,5
<b>Векслер шкаласи бўйича</b>			
Трисомия	36,38±11,28	42,65±6,70*	17,2
Транслокация	50,14±10,57	66,83±8,49*	33,2
Мозаицизм	58,00±7,94	78,50±5,45*	35,3

Изоҳ: Даун синдромли болаларда когнитив фаолият ривожланиш самараси ишончлилиги – \*  $p < 0,05$

Асосий гуруҳдаги болаларда моторли кўникмаларнинг барча кўрсаткичлари яхшиланди:

- 1) статик мувозанат ўртача 30% га;
- 2) динамик мувозанат 20% га;
- 3) ҳаракатлар тезлиги 30% га;
- 4) ҳаракатлар кучи 15% га;
- 5) ҳамкорликдаги ҳаракатлар (синкинизия) 30% га ошди.

Таққослаш гуруҳида эса бу ўзгаришлар деярли 2 баробар камроқ аниқланди.

#### 5-жадвал

### Даун синдромли болаларда «Forbrain» услубининг самарадорлиги

№	Нозология	Ёшга мос сўзларни билиш нормативи			
		3–6 ёш		7–12 ёш	
1.	Соғлом болалар (n=20)	800–5000		<5000	
№	Даун синдроми шакллари	«Forbrain» услуби қўлланишидан аввал		«Forbrain» услуби қўллангандан кейин	
		3–6 ёш	7–12 ёш	3–6 ёш	7–12 ёш
1.	Трисомия 21 (n=21)	6–12	16–22	25–50	40–70
2.	Транслокация (n=4)	14–30	25–40	35–70	52–90
3.	Мозаицизм (n=4)	18–32	30–50	40–78	50–93

Замонавий номедикаментоз усуллар билан шуғулланган асосий гуруҳдаги болалар 1 йил давомида логопед, психиатр ва невропатолог кузатуви остида мунтазам шуғулландилар. Шунинг таъкидлаш зарурки, мозаицизм шакли 2 нафар Даун синдромли болалар умумий таълим мактабига қабул қилиндилар, бу эса давомий комплекс даволаш самарадорлигини исботлайди.

«Forbrain» усулининг самарадорлиги сўз бойлигининг ошиши билан аниқланди. Тадқиқотда, 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган Даун синдромли болалар ичида даво-чораларидан аввал энг кўп сўз бойлиги мозаицизм (18–32 та) ва транслокация шаклида (14–30 та) аниқланди.

Трисомия шаклидаги болаларда сўзлар миқдори 6–12 тани ташкил этган эди. 7–12 ёшли болалар ичида ҳам энг кўп сўзлар сони мозаицизм, энг кам кўрсаткич трисомия шаклидаги болаларда кузатилди. «Forbrain» услуги қўлланилгандан сўнг, бу кўрсаткичлар яхшиланиб, барча гуруҳларда 20–40% га ошди.

## ХУЛОСА

1. Даун синдромли болаларнинг клиник ва неврологик хусусиятлари, яъни нутқ ривожланиши, кўлнинг нозик ҳаракатлари, координатор доира фаолияти, вегетатив нерв системаси функциясининг патологиялари Даун синдромининг цитогенетик шаклига (трисомия, мозаицизм ва транслокация) бевосита боғлиқлиги, хусусан, трисомия шаклида яққол неврологик бузилишлар аниқланди.

2. Когнитив ва интеллектуал ривожланишдаги бузилишлар Даун синдромли болаларнинг соматик ҳолатига (ТЮН, эндокринопатия, эшитиш қобилияти даражасининг пастлиги) тўғридан-тўғри пропорционал боғлиқлиги аниқланди.

3. Бош миянинг биоэлектрик фаоллиги (ЭЭГ) текшируви 72 нафар Даун синдромли болалардан 79,2% ҳолларда (57 та болалар) патологик ўзгаришлар: альфа фаоллик индекси <25%, тета ва дельта индекс 35–40% дан юқорилиги, ўткир патологик тўлқинлар қайд этилиб, 9 нафарда (15,8%) генераллашган тоник-клоник тутқаноқ хуружлари кузатилган, бу трисомия шаклидаги болаларда кўпроқ қайд этилди ( $p < 0,05$ ).

4. Стэнфорд-Бине ва Векслер (WPPSI) шкалалари натижаларига кўра, юқори балл кўрсаткич мозаицизм шакли гуруҳига мансуб болаларда ( $42,22 \pm 6,43$  балл Стэнфорд-Бине,  $58,00 \pm 7,94$  балл Векслер шкалалари бўйича), кўпол бузилишлар эса трисомия гуруҳига кирувчи болаларда ( $34,98 \pm 9,35$  балл Стэнфорд-Бине,  $36,38 \pm 11,28$  балл Векслер шкалалари бўйича) қайд этилди ( $p < 0,05$ ).

5. Даун синдромли болаларда психо-нутқ фаолиятининг яхшиланиши, сўз бойлигининг ошиши «Forbrain» сеанслари, когнитив функцияларни такомиллаштиришда эса «Numicon» ўқув дастурлари барча гуруҳ аъзоларида ижобий натижаларни кўрсатди ( $p < 0,05$ ).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЦЕНТРЕ РАЗВИТИЯ  
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ МЕДИЦИНСКИХ  
РАБОТНИКОВ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**САЛИХОВА САОДАТХОН МУХАМАДХАНОВНА**

**КЛИНИКО-НЕВРОЛОГИЧЕСКИЕ, НЕЙРОФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ И  
ЦИТОГЕНЕТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕТЕЙ С СИНДРОМОМ  
ДАУНА**

**14.00.13 – Неврология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020.2.PhD/Tib1336.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.timpe.uz](http://www.timpe.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Маджидова Якутхон Набиевна,</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Рахимбаева Гулниора Саттаровна,</b> доктор медицинских наук, профессор  <b>Джуробекова Азиза Тахировна,</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Бухарский государственный медицинский институт</b>


Защита диссертации состоится «21» декабрь 2021 г. в «19:00» часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 при Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников. (Адрес: 100007, Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44; e-mail: [info@timpe.uz](mailto:info@timpe.uz)).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Центра развития профессиональной квалификации медицинских работников (зарегистрирована за №128). Адрес: 100007, Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44.


Автореферат диссертации разослан «4» декабрь 2021 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «  » \_\_\_\_\_ 2021 года).



  
**Х.А.Акилов,**  
председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

  
**Н.Н.Убайдуллаева,**  
ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

  
**Б.Г.Гафуров,**  
председатель Научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Рождение детей с синдромом Дауна является большой медицинской, социальной, экономической и психологической проблемой для всего человеческого сообщества. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «... частота заболеваемости синдромом Дауна составляет примерно 1 на 700–800 новорожденных. Этот показатель одинаков в разных странах, климатических зонах и социальных слоях. Основным фактором рождения ребенка с синдромом Дауна является возраст матери...»<sup>1</sup>. Дети с синдромом Дауна постоянно нуждаются в реабилитационных мероприятиях, медицинской, социальной, психологической и образовательной поддержке. Поэтому усовершенствование эффективных схем лечения путем диагностики их клиничко-неврологических, инструментальных и цитогенетических особенностей является одной из важных задач.

Во всем мире проводятся широкомасштабные исследования по повышению эффективности мер ранней диагностики и коррекции неврологических изменений у детей с синдромом Дауна. В связи с этим производятся оценка умственной отсталости, когнитивных изменений различной степени выраженности у детей с этим заболеванием; раннее выявление вегетативных расстройств, нарушений поведения, речи, зрения, слуха; оптимизация критериев лечения и улучшения социальной адаптации и качества жизни детей с синдромом Дауна. Особое значение имеют выявление клинических, неврологических, нейрофизиологических и цитогенетических особенностей у детей с синдромом Дауна, ранняя реабилитация у них функциональных изменений и разработка эффективных методов лечения.

В нашей стране большое внимание уделяется усовершенствованию услуги медицинской помощи, в том числе ранней диагностике, лечению и профилактике различных острых и хронических заболеваний матери во время беременности, наследственных заболеваний, развивающихся в результате их осложнений. В связи с этим определены такие задачи, как «... совершенствование системы диагностики, лечения и реабилитации детей с наследственными, генетическими, первичными иммунодефицитами, врожденными и приобретенными заболеваниями, в том числе создание реабилитационных центров для детей с врожденными, хроническими заболеваниями и инвалидностью...»<sup>2</sup>. Поэтому использование клиничко-неврологических, нейрофизиологических и цитогенетических особенностей детей с синдромом Дауна, реализация эффективности снижения наследственных заболеваний за счет выбора оптимальной тактики лечения являются одними из актуальных научных направлений.

---

<sup>1</sup> World Health Organization. Down syndrome, 2018. <https://www.healthline.com/health/down-syndrome/down-syndrome-facts#Demographics>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5590 от 7 декабря 2018 г. «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности реформ в системе здравоохранения», №УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», в Постановлениях №ПП-4440 от 7 сентября 2019 года «О мерах по дальнейшему улучшению медицинской и социальной помощи детям с редкими (орфанными) и другими наследственно-генетическими заболеваниями», №ПП-4513 от 8 ноября 2019 года «О повышении качества и дальнейшем расширении охвата медицинской помощью, оказываемой женщинам репродуктивного возраста, беременным и детям», №ПП-5124 от 25 мая 2021 года «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной области.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – VI. «Медицина и фармакология».

